

# ЯША, АЗАМАТ ҒАЛЛАКОР!

## КАРВОН-КАРВОН ДУРДОНАМИЗ, ОЛТИН ДОНИМИЗ ОНА-ВАТАН ҚАБУЛ ЭТ, АРМУҒОНИМИЗ!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ

# ТОШКЕНТ ҲАҚИ ҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ,  
ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ  
ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 154 (2702).

Жума, 7 август 1964 йил.

Баҳоси 2 тийин.

## ШОНЛИ МЕҲНАТ ЗАФАРИ

### Областимиз ғаллакорлари давлатга дон сотиш социалистик мажбу- риятини бажардилар

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXII съезди ва КПСС Марказий Комитети декабрь ҳамда февраль Пленумларининг тарихий қарорларини амалга ошираётган Тошкент областининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари 6 августда давлатга ғалла сотиш мажбуриятини шараф билан бажардилар. Тайёрлов пунктларида 4 миллион 700 минг пуд ғалла етказиб берилди. Давлатга пилдан ташқари 2 миллион 560 минг пуддан кўп ғалла сотилди. Ғалла тайёрлаш ўтган йилдагига қараганда 2 миллион 326 минг пуд кўпайди.

Колхоз ва совхозлар бу ютуққа илгор тажриба ва прогрессив усулларини ишлаб чиқаришга далиллик билан жорий қилганликлари ва ўртоқ Н. С. Хрущевнинг курсатмаларини изчиллик билан амалга ошириб, оби-ҳаво қийинчиликларини матонат билан енгизилари натижасида эришдилар. Колхоз ва совхозларда бу йил 134,8 минг гектар ерга ғалла экилди, бу ўтган йилдагидан 30 процент кўпдир.

Юқори Чирчиқ, Бўжа, Янгийўлда, Калинин ишлаб чиқариш бошқармаларининг колхозчилари ва совхозчилари айниқса фидокорлик билан меҳнат қияллар, иланингина эмас, социалистик мажбуриятларини ҳам ошириб адо этдилар.

Юқори Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармаси ҳозиргача давлатга 1 миллион 380 минг пуддан кўп ғалла топириб, мажбуриятини 116 процент бажарди. Ўрта Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасининг хўжаликчилари ҳам ғалла сотиш планини анча ошириб бажардилар. Бу бошқарма қабул пунктларида 1 миллион 263 минг пуд ғалла топилди.

Оққўрғон ва Бекобод ишлаб чиқариш бошқармалари ҳам область ғаллакорларининг давлатга мўл кўл дон етказиб бериш йўлидаги курашига муносиб ҳисса қўшдилар ва давлат планларини анча ошириб бажардилар.

Ғалладан мўл ҳосил етиштириш ва давлатга сотишда «Кўкорол» ва «Пискент», Ўрта Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Тошкент наслчили», Уртасарой ва Олмалик совхозлари, «Коммунизм», «Полярная звезда» колхозлари, Бекобод ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Чаноқ», 2-«Далварзин» совхозлари ва Держинский номи колхоз, Калинин бошқармасидаги «Тошкент» совхоз, «Қизил Ўзбекистон», «Маданият», «Правда», Ленин номи, «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги», Карл Маркс номи, Илчи номи колхозлари; Юқори Чирчиқ бошқармасидаги «Коммуна», «Гулистон», «Ўзбекистон», «Подотдел», «Правда», Свердлов номи, Фрунзе номи, «Қизил ту», «Қозғонистон ССР 30 йиллиги» колхозлари, Янгийўлдаги «Халқобод» комбинати ва Свердлов номи, Карл Маркс номи, «Коммунизм» колхозлари айниқса катта меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар.

Ўртоқ Н. С. Хрущевнинг табрик хатидан руҳланган областимиз комсомоллари сугорилган ер-

ларнинг ҳар гектаридан 100 центнердан ҳосил етиштириш учун бошланган курашда ажойиб муваффақиятларга эришдилар. Янгийўлдаги Свердлов номи колхозининг ўртоқ Аҳмад Усмонов бригадасида ҳар гектар ердан 43 центнердан, «Ленинизм» колхозининг ўртоқ Маълират Оринова бошлиқ бригадасида 42 центнердан ғалла ҳосили олинди.

Оққўрғондаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг ўртоқ Н. Журабоев, шу бошқармадаги «Москва» колхозининг Жиянша Шохимардонов, Калинин бошқармасидаги «Правда» колхозининг Солиқ Султонов бошлиқ бригадаларида ҳар гектар ердан 38—40 центнердан арпа ва бугдой ҳосили иғиб олинди. Еш деҳқонлар биринчи ҳосили иғиб олгач, ҳосилдан бўшаган ерларга мажбурият оқини уюшқонлик билан киритдилар.

Меҳанизатор-комбайнчиларимиз меҳнатга ҳақиқий коммунистик муносабатда бўлиш намуналарини кўрсатдилар. Ўрта Чирчиқдаги «Тошкент наслчили» совхозидан Х. Болмуқов, 1-«Оҳангарон» совхозидан Н. Халбоев, «Колхозчи» колхозидан М. Панагулиев, «Полярная звезда» колхозидан М. Ёшим сингари комбайнчиларнинг ҳар бири 320—500 гектар майдондаги ғаллани ўриб-йиғиб бердилар.

Бўжадаги «Кўкорол» совхозидан Пирмаҳон Шарифов, Мутали Охунов, Сергей Ишенко сингари комбайнчиларнинг ғайрат ва ишқолига ҳамма қўйил қолдирди.

«Кўкорол» совхозидан Х. Содиқов, Х. Жалилов, «Тошкент наслчили» совхозидан Т. Мубеков ва В. Колесников сингари шоёрлар ўрлаган ғаллани тайёрлов пунктга ташиб етказиб беришда кўпчиликлари ўрнак бўлдилар.

Жонажон республикамиз ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллиги шарафига меҳнат ваҳтасида туриб ишлаётган областимизнинг колхозлари ва совхозлари инла етиштириш йиллик планини ҳам ошириб бажардилар. Шунингдек, гўшт, сут, жун ва тухум тайёрлаш ирим йиллик планларини ҳам адо этдилар.

Картошка ва сабзавот экинлари майдони бирмунча кенгайди. Ҳозир далаларда экинлар қизғин парварши қилинапти. Сабзавот, картошка, қовун-тарвуз, мева ва узум тайёрлаш кенг қўлама қизитиб юборилган. Жамоат фондига ҳозирга қадар 18 минг тоннадан ортқ сабзавот жўнатилади. Шу жумладан Москва ва Ленинградга 12 минг тоннадан ортқ сабзавот жўнатилади.

Область қорвадорлари ем-хашак тайёрлашни муваффақиятли ўтказмоқдалар ва силос бостиришга киришдилар.

Областимиз қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ҳозирги пайтда асосий эканимиз пахтадан мўл ҳосил етиштириш ва мамлакатга 315 минг тонна «оқ олтин» сотиш юзасидан зиймага олган социалистик мажбуриятни муваффақиятли бажариш учун ғўза парварлигини қизғин давом эттирмоқдалар.



# ГУРКИРА, ЖОНАЖОН ТОШКЕНТ

Букун Тошкентимиз яна гуркира,  
Меҳнат ғалабаси — унинг зийнати;  
Тер тўққан манглайи нурдай янгира,  
Бор бўлсин, нон билан эли сийлади.  
Шоёрлар маҳ эди унинг кўрнини,  
Машъал шаҳримизни таниди жаҳон,  
Илми, саноати, бахти, эркини —  
Одамзод билди.  
Энди эса, нон! —  
Нон! — салкам беш миллион пуд тўқон ғалла;  
Ҳар битта дониюзи лаъладей, гавҳардай;  
Ҳам қудрат, ҳам шукрат, ҳам ризқ, ҳам тизла,  
Ҳам улуг бурчимиз;  
Бажарилди шай-  
Етук мастеровой, соҳибдор Тошкент,  
Турсунойдлар юрти — пахтакор Тошкент,  
Сени олдишлайди қон-қардошларинг,  
Янги унво билан: ғаллакор Тошкент.  
Нон — дўстлик, нон — иззат, нон — аҳду паймон,  
Уртага нон қўйиб, қўлга қўл бердик.  
Юз нозу неъматга тўлуқ дастурхон,  
Қардошлик боғидан унга гул тердик.  
Мардлар қасам ичса аввал улар нон,  
Эл қўза суртади ҳар бир ушоқни,  
Нонини хор қилганини номидир нодон,  
Зардан ҳам азизроқ билиб бошоқни,  
Унга қўз нуруни тўқайди ишон.  
Ҳар ёз кўтармаса қирлардан хирмон,  
Дехқонлик шуқуҳи, маъносини йўқдир.  
Аксинча, омонга тикин бўлса дон,  
Кўнгли чўғ, меъда ҳам ҳамини тўқдир.  
«Чарчамас, кимнингки белбоғида нон...»  
Бу ҳикमत ҳаводан олинган эмас.  
Бу мақол тағдида яна азиз нон,  
Нон демек, аслида, ҳаёту нафас.  
Тошкентини нон шаҳри деган таъриф бор,  
Россия адиби Неверов айтган.

Яшавор, Тошкентнинг ғаллакор марди!  
Тян-шандан юнсақ бугдой хирмонинг,  
Уни меҳнат, фақат меҳнат кўтарди,  
Меҳнат қаҳрамонин, соғ бўлсин жонинг!  
Бошоқлар чайқалди яисоли деиғиз,  
Уйда нонини ширин қайроқ бугдой...  
Бу замин иймалар бермайдил дейсиз,  
Бу замин бебаҳо — никоятга бой.  
Дон — катта юртимиз бойлик-тўқлиғи;  
Донларда йиғида толмасин эрлар,  
Қудрат, фаровонлик, нувоич-шўқлиғи...  
Озуқлик от йўлда хоримас дерлар,  
Муносиб ўрнини жаҳондир демай.  
Нондан азиз бўлсин, дейди севиб халқ,  
Битта ҳам донимиз етга елмайди.  
Зўр хирмонга қўшдик, хирмонимиз — бахт.  
Капитал юртида ҳам бугдой экинлар,  
Бирон захмат чекиб, кўтарар хирмон.  
Лекин каламушлар унга тикилар;  
Сев донини эк, дерлар, мен уни ейман!  
Халқимиз давлатга совға қилган дон —  
Меҳнат кишигага лўқмайи ҳалол.  
Фаровон бўлсин деб ҳар бир хонадон,  
Юракдан топиридик, Эй юрт, буни ол!  
Саратон демадик, ёмғир демадик,  
Хирмонлар кўтардик омонлик учун.  
Бу — қадок қўлларининг мўъжизасидир,  
Юрт деса, бу қўллар чарчасин нечун!  
Нондек азиз бўлинг, тер тўққан дўстлар!  
Ҳамма вақт дундирмоқ — силарга одат.  
Зафар қозондингиз, дон экан дўстлар,  
Бу иш — заи иш бўлди, улкан саводат!  
Тошкентини нон шаҳри деган таъриф бор,  
Россия адиби Неверов айтган.

Оғамиз мақтовни бизга эътибор,  
Бу таъриф тағдида зўр ҳурмат ётган.  
Тошкент жамолига тўймайсин қараб,  
Йилд япроқларда ўйнар олтин нур.  
Шаббода гулларини қўчар эркалаб,  
Гўзадлик қалбларга бахш этар хузур.  
Салқин тоғотларда чиқсанг қўчага,  
Жўш уриб оқайди ҳаёт дарёси.  
Набат бергуси йўқ қундуз кечага,  
Кўзларда чалқайди меҳнат зийси.  
Бахтиёр ёшлиқни эғиб намойиш,  
Пилит-қиз кезади хибобларда;  
Тошкент жамолига берар оройиш —  
Меҳнат самараси дастурхонларда...  
Бари ёз меваси, меҳнат меваси,  
Бари кўнгли тўқи, рўзгор савлати,  
Шаҳарга ярашиқ ишлоқ шеваси,  
Қадок қўз инсонини мўлук баълати.  
Кел, дўстим, шаҳримиз жамолига бок,  
Кўзларинг қувонсин меҳнат закидан,  
Юрак теншинга тўғиб кўр қулук.  
Эртанинг савдоси янгар шаҳида...  
Томчилар қўшилди дарё бўлгандай,  
Зарра — зарралардан йўрилгандай тоғ —  
Миллионлар меҳнати бир қўшилгандай,  
Минглаб мўъжизадан бўлар буюкроқ,  
Меҳнат, коммунистик ижодкор меҳнат,  
Катта тўғимизга армуғон бўлсин.  
Йилд пахтазорлар чайқалиб беҳад,  
Худди ғалламиздек ҳосилга тўлсин.  
Юртим харитасини безағи бўлиб,  
Юлдуздек балқисин янги шаҳарлар,  
Дарёлар тўқилиб, ГЭСлар қуриляб,

Нурларда чўмилсин оппоқ сакларлар,  
Узоқ савёрлар днёрини қўлаб  
Зехнимиз самода этади парвоз,  
Умум қудратидан, бахтидан сўлаб,  
Тўқилганиб ётар ҳосил тўла ёз.  
Тоғлар бизга очар юрак ширини  
Атомлар бўйсунган бизда одамга,  
Биз она-Ватаниннг улуғ ерини  
Айлантираганимиз мангу қўқламга.  
Бу бари — ленинча меҳнат ва ижод,  
Ҳалол ва покиза манглай теримиз,  
Кўлимиз тексан ер бўлади обод,  
Шундай саховатли меҳнат, меҳримиз.  
Тошкент!  
Шарқимизнинг тонг юлдузисан,  
Дўстларинг итилар сенинг бўйингга,  
Бу йилги ранг-баранг ҳосил кўздан —  
Улар умид қилиб, келар тўйингга.  
Худди ой қўшдан нур олган қаби,  
Москва — қўбшдан тўлашган ойсан,  
Шунингчун элининг улуғдир қалби,  
Шунингчун голибсан, мазмунга бойсан.  
Саватда товланди ширин юнларинг,  
Ҳам қайноқ, ҳам хушбўй,  
Ҳам баракали,  
Юракдан қутлайди қадронларинг:  
Офарин, ишинг соғ,  
Ҳа, баракалла!  
Ҳамид ҒУЛОМ, Собир АБДУЛЛА, МИРМУХСИН,  
Раим БОБОЖОН, Жуманиёз ЖАББОРОВ.







# МУБОРАК УЛКАН ХИРМОНИГИЗ!



## ҲОРМАНГ, АЗАМАТЛАР!

Чин юракдан чиқариб дей- миз сизга: хорманг энди аза- матлар! Аҳдига вафодор, ўз сўзли, ғайратли ғаллакорлар! Бугун сизларнинг эл хирмони- га мул-қул ғалла тўкиб, элми- га олган социалистик мажбу- риятингни шараф билан ба- жарганингиз тўғрисидаги хушхабар яшн тезлигида тар-

қалиб, ҳаммамизни қувонтириб юборди. Бугун бутун эл сизлар- ни олқишлаймиз, офаринлар айтмоқда.

Сиз азамат ғаллакорлар ўз касбинини улуғлаб жасорат кўрсатдингиз. КПСС Марказий Комитети февраль Пленуми қарорларини ўртоқ И. С. Хруш- чевнинг кўрсатмаларини амал- га ошириш йўлида барча чо- ра ва тадбирларни амалга ошир- дингиз. Колхоз ва совхозлар- да сўғориладиган ерлардан юз центнердан ғалла оlish хара- кати кенг авж олдирилди. Комсомол-ешлар, сизлар хара- катда авангардлик қилдингиз. Сизларнинг хужумкорлик бил- лан қилган фидокорона меҳнат- ларингиз туфайли кенг май- донларда, қир ва-адрларда ғал- ладан мул ҳосил етиштирилди.

Етиштирилган ғаллани ўз вақтида ва сира ноубуд қилмай ўриб олиш, янгиш ва дала- та қозғириш ишларида ҳам ю- қат ушқорлик ва мардонавор- лик билан киришдингиз. Хал- ма ерда республикамиз ва Ўз- бекистон Компартиясининг 40 йиллик шарафига меҳнат вах- тинида туриб ишладингиз. Ком- байиларнинг овози бирому тин- гани йўқ. Мана энди бугунги кунда сизлар тўққиз тер дур бўлиб яралиди. Улкан-улкан ғалла хирмонлари қад кўтар- ди. Омборлар доғга, дилларни- ми қувончга тўлди.

Сиз аиз ғаллакорларнинг меҳнат соҳасида қўлга кирит- ган бу улкан ютугингиз биз пахтакорларни ҳам даладалар- га ғайратга ўн ғайрат қўшиб меҳнат қилишга рўҳлантдириб юборди. Биз пахтакорлар ҳам

эл олдида берган сўзимизни уaldasдан чиқиб учун куч ва ғайратини аямаймиз. Хосил- га-хосил қўшиб даври бўлган ҳозирги пайтда ҳаммамизнинг диққат-этиборимиз экинчи ар- доқлашга қаратилган. Ав- густ ойида ҳар туп ғўзани авайлаб ўстирамиз.

Элмига олган мажбуриятни- мизни шараф билан бажариши- миз учун ҳамма имконият бор. Ана шу имкониятлардан тўла фойдаланиб, ғўза парварлигини етиштириш, пахтанинг муқим қад- дар эрта очилшини таъмин- лаш чораларини кўрамиз. Ё- зиса ривожланишда қолган майдонлардаги экинчи алоҳида парварши қиламиз. Машина термини ҳозирдан бошлаб ҳар тарифлама пухта тайёрларлик кўрамиз.

Бир сўз билан айтганда бу йил мамлакатта 315 миң тон- на «оқ олтин» етказиб бера- миз деган сўзимизнинг усти- дан чинш учун элнинг бун- бутун маҳоратини ва таж- рибамизни ишга соламиз. Ре- спубликамизнинг 40 йиллик тўғиға сизлар сингари ёруғ бу билан борамиз. Бундан буюнги ишларингизда ҳам сизларга ҳаминша зафар ёр бўлсин, аза- мат ғаллакорлар!

Ҳамроқул ТУРСУНҚУЛОВ,  
Абдулаҳад МАТҚОБУЛОВ,  
Абдула ОРИҚОВ,  
Турсуно ОХУНОВА,  
Хван Ман ГИМ,  
Валентин ТЮПКО.

## ЕР ЖИЛОВИНИ ТУТГАН ҚИЗ

Гап шундан бошланди, колхоз раиси Турсунбой Раҳмонов биз сўзлаб тур- ган Фаридани исми қиз ҳақида сўзлаб бер- ган:

— Бизнинг Фаридани ер жиловини маҳ- кам тутган қизлардан, — деди. Деҳқон- ни, ерни ўзига бўйсундира олмадим, унинг етиштирилган унумидан сон ҳам, салмоқ ҳам бўлмади. Мана, ҳали бор- ганда кўрасизлар. Фариданинг ерни қана қилиб жиловлан олганини...

Фариданинг эвнесига бориб ишлари билан танишганда, ўзи билан гаплаш- ганда ҳақиқатдан ҳам бу қиз ва унинг шериклари ишнинг кўзини бидиб, ернинг балан-пастига қараб режа тузганлари- ни, ана шунини бажариш учун бир жон, бир тап бўлиб курашаётганларини кўр- диқ ва билдик.

Таврифлашганича бор экан, Фаридани гап-сўзидан ҳам, ҳаракатидан ҳам тўдага киришга тайёр чавандоздек турган- лиси сезиларди. Икки ўртадаги суҳ- батимиз, ҳа деганда қовушавермади. У гап орасида «мен бу фикримни Мос- квага борганимиз ҳам айтдим» деб қол- ди ва шундан кейин очилиб сочилиб сў- зай бошлади.

Ғалла ҳосили йиғиб-терилиб, хирмон кўтаришга Фаридани бошқарма ком- сомол комитетига қақиршиб:

— Москвага борганим бўлиб қол- динг, — дейишди. Тажрибаларнинг, ютуқларнинг ҳақида Иттифок комсомол Марказий Комитетига гапириб берасан.

Фариданимиз дегани билмай, ҳайрон бўлиб қолди. «Мен кечанига иш бош- лаган одам бўлсам, нима дейман, у ер- да» Фаридани шундай ўзича фикр юритаркан, бирдан жим бўлиб қолди. Унинг бу йўналиб қолганини ком- сомол комитетиданга бора қарсага йўналишди.

— Ҳа Фариданов, нима бўлди сизга, биз Москва шаҳарини эшитиб Фаридани сўзлаб кетар деганики, хомуш бўлиб қолдингиз, тинчликми ўзи.

— Йўқ, — ўзим шунчаки дебди Фа- ридани. Ахир, ҳали янча бўлсам, арзишлик

унча иш қилган бўлмасам, нима дейман у ерда. Шулари ўйлаб юратим уюшиб кетди.

— Оббо, Фаридани тушматур-ей, — кулишди у ердагилар, — айтганим гапим йўқ дейди. Гектаридан 38 цент- нердан ғалла олганини, унинг ўрнига маккажўхори экиб, 62 центнердан дон етиштириш — бир гектардан олинган ғалла ҳосилини 100 центнерга етказиш йўлида қилаётган ишларини тўғрисида гапирганидан бўлсанг, биласамми, нима бўлади, ҳамма ўтириб эмас, ўрнидан ту- риб қарсақ чалади.

Бу гапдан кейин Фариданинг кўнгли бироз тинчланган бўлди. Унга хурсанд бўлиб қайтди. У, бу воқеани онасига айтганида инқовдан ўзариди. Йўқ сў- зинишди. Шундан онаси қизига:

— Меҳнатингни шунчалки ҳотирла- шибди, мингдан-миң раҳмат уларга, ишнинг яшиқ бўли, ҳаракат қил қи- зим, — дебди.

Мана у ҳозир ўша бўлиб ўтган во- қеалар ҳақида бизга гапириб берапти, Москвага борибди. ВЛКСМ Марказий Комитетига бўлган йиғилишида эл ғал- лалар билан учрашибди, йиғилишида нутқ сўзлабди.

— Ниҳа қизик бўлди, — тапида ла- вом отади Фаридани, — бир маҳал сўз Фаридани Холмирасаевага деб қолдишди. Мен бошқа Фаридани бўлса керак, деб ён- веримга қаралдим. Шу пайт шерим туриб, «нега турмайсан, ахир сенга сўз беришди-ку» деб қолди. Юрагим ҳовлида бошлади. Эзимнинг колхозда бўлганим мажлисларда гапириб бўлак экан, бу ерда минбарга чиқиб турибман- у, қани энди тилим айласа. «Ҳайрат, президиумда ўтирганлардан бири, «ула- манг, бемалол гапириверинг», деб дала дебди. Нани бўлмасе бир сўз айтмай қай- тиб тушардим. Унча-мунча гапирингиз ўрганиб қўйиб ҳам ётмасанлар.

Бу йилги ишларни тўғрисида Москвага бориб ҳисоб берган, таърибимиз кўпчи- ликни койид қолдирган, бугунги ютуғи эртага ўзи учун аниққ бўлиб кўриниб,

фикри ҳаёли янги ютуққа эришиш бил- лан банд бўлган янги йўлга Фаридани Холмирасаева эвнесида шу кунларда қи- лайётган иш ҳақида гапирингиз олдин Фариданинг ўзи хуsusида икки оғиз сўз айтиб ўтишга тўри келарди.

Фаридани қишлоқдаги ўрта мактабни ту- гатган, далада ишлашга ҳавас билдира- ди. Қайси бригадига бориб ишлайсан, деган саволга Роза Отабоевага шогирд тушаман, ер берсангиз маккажўхори экман, деган жавобни олишди. Унинг бу гапидан кейин раҳбарларини қувонти- радди. 52 гектар ер эришди ўз шерик- лари билан бахтларини синиб кўришди. Улар бахти чоғалардан бўлиб чиқш- ди. Дон учун экинган жойини ҳар гек- тардан 50 центнердан ғалла, ем учун экинган даладан 1200 центнердан кўп- поқ олиб колхоздаги ўз тенг-қурларини эмас, Янгиўлгаги комсомол-ешларни ҳам койид қолдирди. Шундай қилиб биринчи мадам чакки бўлмади.

Бу йил аввал баҳорда Фаридани ўз эво- но аъзолари билан маҳлаҳатлашиб, гек- тардан юз центнердан ғалла етишти- риш учун бошланган социалистик мусо- бақага қўшилишди. Улар биринчи хир- монда юқорида айтилгандек гектардан 38 центнердан дон йиғиб олишди. Қол- ган 62 центнерини маккажўхори билан тўлардишмоқчи. 1500 центнердан кўп- поқ олишга қарор қилинбди. Экинлари шунчалки қосил берилган даражадаки бу саволга Фариданинг ҳам, эвено аъзо- ларининг ҳам жавоб беришлари шарт эмас. Уларнинг далаида бўлсангиз саво- ланинг жавоби ўз ўзиндан чиқаверди. Ғаллани ўриб олибди кетма-кет экинган маккажўхори қар қара бўлиб келпти. Таки ҳа-тез юмшатилаётгани, озини, су- ви ўз вақтида бераётгани, баланига тушган унча-мунча хашарот кириб таш- ланганга учун экин кун сайни эмас, соат сайни экинган, бўйинга-буй қўшиб ўсмоқда.

Фаридани билан гаплашиб ўтириб, эво- нонинг илгор аъзоларидан уч тўрт ки-

шининг исми-фамилиясини айтиб, ишлар- ни ҳақида гапириб берсангиз деддик, у кўлиб:

— Шунча одамни қаёқдан топаман, ахир, ҳаммамиз уч кишимиз, — деди.

— Ростадими, бунга ер уч кишига қўплик қилмайми? — ажабландик.

— Тракторга унча-мунча ер чўт эмас, — деди у. — Ўзингиз ўйлаб кў- ринг, 52 гектар ерда 7—8 одам ишлаша, катта даромад, маҳсулот таинархи деган сўзларнинг аҳамияти қаёққа қолади. Ҳозирги пайтда кам сонли одам билан оғ меҳнат сарфлаб, юқори даромад ола- ётган деҳқонга бугунги талабга жавоб беради. Москвага борганимизда худди шу тўғрига гапирдим.

Дарҳақиқат, бундан уч-тўрт йил илгари ҳозир мана шу Фариданлар уч киши бўлиб бемалол эвлаетган 52 гектар ерда канида 10—12 киши ишларди. Шу да- ражада ҳосил олинган тақдирда ҳам ки- ши бошига тақсимланган даромад бугун- ги кунда Фариданлар олаётган даромаддан анча кам бўларди. Ишнинг кўзини биллиб қилиш деб шунга айтдиларди.

Эвено бошлиғи Фаридани, унинг аъзо- лари — тракторчи Олимжон Юнусов, сувчи Каримча Холмирасаев. Мана шу уч киши битта трактор ердаида 52 гектар ерни жидовлаб олишди. Энди ер қаёққа судраса деҳқон ўшаёққа кета- верадилан бўлмай қолибди. Деҳқон жи- ловни қаёққа бурса ер ўшаёққа бурилад- иган. Яъни деҳқон ердан истаганча ҳосил оладиган бўлиб қолди. Демак, ер деҳқонга тақсим бўлибди.

Ер жиловини маҳкам тутган, бугунги ютуғига эртага янги ютуқ қўшаётган ғайратли қиз Фаридани ва унинг шерик- лари гектардан олинган ғалла ҳосили- ни 100 центнерга етказиб:

— Республикама тўғиға бизнинг сов- гамиз шу, — деб қувонч билан айтиш- ларига оз вақт қолди.

С. МАҚРАМОВ.

Янгиўлга бошқармасидаги Жданов номли колхоз.

## КАРДОШЛАР, РАЛАВАНГИЗ КУТЛУР БЎЛСИН!

Шу кунларда қувончимиз чексиз. Бизнинг ғаллакорларимиз самарали ишлаб мул ҳосил етиштиришга муваффақ бўлиш- ди. Улар пландаги 465 миң пуд ўрнига 1 миллион 100 миң пуд ғалла топиришга эришдилар. Бу ҳосилни етиштиришда ва уни йиғиштириб олишда ўйлаб юқиб байчиликларимиз намуналик меҳнат қилдишди. Уларнинг кўпчилиги 380—400 гектар ерда ет- казиб ғаллани ўриб бердилар. Биз қозғистонлик ғаллакорлар мусобақадан тошкентликларнинг ҳам ўз элчиларига олган мажбуриятини шараф билан бажариб, она Ватан омборига мул-қул ғалла тўққанлари ҳа- қидаги хабарини эшитиб беҳад хурсанд бўлдик. Тошкентлик аиз ғаллакорлар, сизларни ҳам катта ғалабагиз билан табриклаймиз ва даладаги йи- шининг ҳаммасини тараф ҳи- шингизни олиш соҳасидаги иш- ларингизга катта муваффақият тилайми.

О. ҚУЗАНСУБИРОВ,  
Қозғистон ССР Чимкент  
область, Сарағоч бошқар-  
масидаги «Дарвоза» совхо-  
зининг директори,  
З. ҚОЛДИҚУЗНЕВ,  
В. БУЧНОВ,  
Қ. ҚУЛТИМЕТОВ,  
совхоз комбайнчилари.



## ДОН ҲАМ, САБЗАВОТ ҲАМ МУЛ

Донни қўлга олиш йўлида йил бошиданоқ астойдил ҳаракат қил- дик. Барча бўлим ва бригадалар- да республикамизнинг 40 йиллик юбилейи шарафига ўзаро етқи- алик мусобақа кенг авж олди- рилган. Совхозимизнинг каттаоқ кички ғаллазорларда тер тўкиб меҳнат қилди.

Дастлабки кезларда биз дала- га 7.500 пуд ғалла топишма- миз, деб сўз берган эдик. Ком- байнчилар, шоферлар, ҳар бир киши бу сўзимизниг убадасини қилиш учун меҳнат ғайратини амалдашди. Тер тўкиб ишладик. Айниқса ноубудгарчиликка қарши

кескин кураш олиб бордик. Шу туфайли ҳам белгиланган топиш- рикни муддатдан илгари оши- риб бажардик. Деҳқон ҳали бала- лоримизда ғалла ҳосили мул эди. Биз қозғистон ҳосилини чама-лаб кў- риб қўшамча мажбуриятлар ол- дик.

Шундай қилиб ғаллазорларда брим-йигиб сўрапти бир минут ҳам сўрайтирилгани йўқ. Ғалла ортақ машиналар карвончи қабул пунктларига тўхтамасиз жибна- тирдик. Натигида ҳисқа вақт ичи- да далага 33 миң 750 пуд ғал- ла сотишга эришдик. Бу ўзгал йилдагига қараганда 28 миң 750

пуд кўпдир. Бу совхозимиз кол- лективининг жуда катта ғалаба- сидир.

Етиштирилган ғаллани пешма- пеша ўриб-йиғиб янчиш ва далага етиштиришда совхозимиздаги каттадан кичикке ҳар бири бар ҳудудан бош чиқариб ушқоқлик билан ишладик.

Комсомол аъзоси Абу Ермие- тов бошчилик қилаётган ғаллачи- лик бригадасининг иш айниқса мақтовга сазовордир. Бу бригада ғаллазорларда ҳосил кутсандаги- дан ҳам мул бўлди.

Олим Каримов эвено бошлиғи бўлган далада ҳам ғалла ҳосил- ни барқалли бўлди. Эвено бош- лиғи Олим ака ишчилар билан йиғишга жавоб қилди. Ҳар гектар ердан 50 центнердан хирмон қў- тарилганини муносиб ҳисса қилди.

Эвено аъзолари эришган му- ваффақият билан мағрибланиб кетмадилар. Улар, бул ишларга со ғайрат билан ишлаймиз, бир ердан икки марта ҳосил оламиз, деб айтишди. Шу мақсадда ҳо- силдан беришган ерни зўдик бил- лан ҳайдадилар. Сўнгра у ерда кечки қараж ва картошка жиғ қўлайди.

Комбайнчиларимизнинг ғайратига ҳамма офарин айтмоқда. Улар 17 иш кунда барча ғалла ҳоси- лини ўриб-йиғиб олишнинг таъ- миқладилар. Шокир Ғайбуллаев, Карим Орипов каби комбайнчи- ларимиз айниқса маҳорат билан ишлайдилар.

Шундай қилиб коллективимиз ғалла етиштириш ва далага топириш юзасидан элчиларига олам мажбуриятларини сўқидил- лик билан бажардилар.

Биз бундан кейин ҳам ғайрат ва ишжўт қўрашиб ишлаймиз. Аҳолига муқим қадар кўп саб- заво, қовун-тарвуз етказиб бе- ришга ҳаракат қиламиз.

О. УСМОНОВ,

Тошкент область марказлаш- тирилган автомобиль трестини бошқарувчиси.

Оҳангарондаги ғалла пункти шу кунларда жуда гажум. Ғалла ортиб келаётган карвонларнинг кети кўринмайди. Суратларда: (чапдан) 1-«Оҳангарон» совхозидан келтирилган ғалла қабул қилиб олинмоқда. (Ўғида) пункт мудири Н. Пан ва лаборантка М. Бичкова ўртоқлар тўзаланиётган ғалланинг сифатини аниқламоқдалар.

М. Нуриддинов фотолари.

## МУСОБАҚАДОШЛАР, ТАБРИКЛАЙМИЗ

Биз сизларнинг давлатга ғалла сотин юзасидан олинган социалистик мажбуриятларингизни бажарганингизни эйи- тиб жуда севилик. Қойилми тошкентлик ғаллакор ўртоқлар! Кечанига бизнинг область ғаллакорлари ҳам катта ютуқини қўлга киритган эдилар. Улар она—Ватанга 10 миллион пуд ғалла сотиб, бултурғига қараганда 6 миллион 841 миң пуд кун ғалла етиштирилди. Бу соҳада Жинзаҳ, Порши, Янгиер, Киров ишлаб чиқарин бошқармаларининг ғаллакорлари, айниқса, юксак натижаларини қўлга киритдилар.

Тошкентлик ғаллакор дўстлар, сизлар билан бизнинг ерларимиз бир-бирига туташ. Биз ҳамини сизларнинг ютуқларингиздан севиликми, бу ютуқларнинг ҳамини кўпайишни истаймиз.

Сиз ва биз ғаллакорлар олдида она—Ватанга барча қиллоқ хўжалик экинларидан мул ҳосил етиштириб беришдек муҳим вазифа турибди. Ғалладан юқори ҳосил етиштирилган тошкентликлар пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан ҳам мул-қул унум оладилар, деб ишонамиз.

Давлатга ғалла етказиб бериш юзасидан олган социалистик мажбуриятларингизни бажарганингиз билан йил бир марта чин қўнғилдан табриклаймиз ҳамда сизларга муваффақиятлар тилаймиз.

Турсунбой ЛАТИПОВ — Янгиер бошқармасидаги «Комму- низм» коллективини раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Жавоб ҚўЗЧИЕВ, — Республикада хизмат кўрсатган меҳ- наткор, Назира ЙҮЛДӨШЕВА — Сирдарё бошқармасидаги Ленин номи колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳра- мониди, Ҳамроқул НОСИРОВ — Жиззах бошқармасидаги «Москва» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамо- ни, Норқўлмамд ЕСИНТӨЕВ — «Пахтаорол» совхозининг бўлам бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

3-БЕТ, 7 АВГУСТ 1964 ЙИЛ.



